


Адабиёт яшаса – миллат яшайди



14:05 / 09 февраль 357

Маълумки, юртимизда ҳар йили, январь ойи охирлари – февраль ойи бошларида давлат идоралари, таълим муассасалари ва бошқа жойларда мумтоз адабиётнинг ёрқин намояндалари – Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд кунлари муносабати билан турли хилдаги тадбирлар ўтказилади, оммавий ахборот воситаларида уларнинг фаолиятига доир материаллар эълон қилинади.

Ана шу анъанани давом эттирган ҳолда журналимизнинг ушбу сониди кўпроқ бадиий адабиётга эътибор қаратишга, хусусан, шеър мулкнинг султони – Мир Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган мақолаларни чоп этишга қарор қилдик.

Мумтоз адабиёт, бадиий адабиёт ҳақида сўз юритар эканмиз, аввало, «Адабиёт дегани нима ўзи?», «Адабиётнинг асосий вазифаси нималардан иборат?» деган ўринли, илгари ҳам кўп берилган саволларга жавоб топишга ҳаракат қиламиз.

Эътиборлиси, бундан қарийб бир юз ўн йил аввал маърифатпарвар аждодимиз, шоир ва ёзувчи Абдулҳамид Чўлпон «Садои Туркистон» газетасида «Адабиёт надир?» деган сарлавҳа остида мақола чоп этган бўлиб, мазкур мақолада юқорида тилга олинган саволларга батафсил жавоб беради.

16 яшар ёш истеъдод соҳиби мақолани «Адабиёт ҳар бир миллатнинг ҳисли кўнгул тарихининг энг қоронғу хоналарида маишат (яъни тирикчилик)нинг кетишига қараб ҳар хил тусда ва рангда етишган, файзли тил бирла тақдир этула олмайдирғон бир гулдир», деган гаплар билан бошлайди.

Таъбир жоиз бўлса ушбу мақола орқали бутун халққа мурожаат қилган Чўлпон кўпроқ адабиётнинг ижтимоий моҳияти тўғрисида фикр юритишга ҳаракат қилади. Адабиёт миллатни тараққий эттириш воситаси, унинг маънавиятини таъминлайдиган омил эканини эътироф этади.

«...Тўхтамасдан ҳаракат қилиб турғон вужудимизга, танимизга сув, ҳаво нақадар зарур бўлса, маишат йўлида ҳар хил қора кирлар била кирланган руҳимиз учун ҳам шул қадар адабиёт керакдир. Адабиёт яшаса –миллат яшар. Адабиёти ўлмаган (яъни бўлмаган) ва адабиётининг тараққиётига чолишмаган ва адиблар етиштирмаган миллат охири бир кун ҳиссиётдан, ўйдан, фикрдан маҳрум қолиб секин-секин инқироз бўлур» деб ёзади ёш шоир.

«Ёш мунаққид учун адабиёт қуруқ ғоялар мажмуаси эмас, балки, биринчи навбатда, инсон руҳияти билан боғлиқ бўлган ҳодисадир, – деб ёзади Чўлпон ижодини таҳлил қилган адабиётшунос олим, таниқли мунаққид Озод Шарафиддинов ана шу мақолага юқори баҳо берар экан. – У одамларнинг шууригагина эмас, ҳис-туйғуларига ҳам таъсир этиши, уларни қувонтириб, ёҳуд маҳзун аҳволга солиб, шу орқали ижтимоий бурчини ўташи зарур. Чўлпон бу фикрларни ўзига хос образларда бундай ифодалаган: «Адабиёт чин маъноси ила ўлган, сўнган, ўчган, мажруҳ ярадор кўнгилга руҳ бермак учун, фақат вужудимизга эмас, қонларимизга қадар сингишган қора балчиқларни тозалайдурган, ўткир юрак кирларини ювадурғон тоза маърифат суви, хиралашган ойналаримизни ёруғ ва равшан қиладурган, чанг ва тупроқлар тўлган кўзларимизни артуб тозалайдурғон булоқ суви бўлганликдан бизга ғоят керакдур».

Замон билан ҳамнафас яшаш – давр талаби. Аммо бу ҳолатда миллат ўзлигини, тарихини унутмаслиги лозим...

Маълумки, турли кўринишдаги смартфонлар, интернет тармоғи, сунъий интеллект каби рақамли технологиялар бугунги кунда инсоният ҳаётига шунчалик сингиб кетдики, одамлар уларсиз кундалик фаолиятини тасаввур қила олмайдиган бўлиб қолди. Зеро, мазкур технологиялар барча соҳалар тараққиётига ҳисса қўшиб, минглаб, миллионлаб кишиларнинг

оғирини енгил, мушкулини осон қилаётгани рост. Аммо ҳар бир нарсанинг, ҳар бир ҳолатнинг яхши ва ёмон томонлари бўлганидек, юқорида тилга олинган замонавий технологиялар, афсуски, кишилиқ жамиятига, айниқса, одамларнинг маданияти, маърифатига салбий таъсир кўрсата бошлаганига ҳам анча вақт бўлди. Масалан, илгари, телевидение, кейинчалик интернет, смартфонлар орқали намоёиш этиладиган аксар ҳолда олди-қочди, савияси ҳамин қадар бўлган ижод намуналарига маҳлиё бўлиб қолган замондошларимиз китоб ўқимай қўйди. Ёшларимиз ўзларини буюк уламолар авлоди эканини унутиб қўйди, гўё.

Мамлакатимизда китобхонликни тарғиб қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, китоб билан ошно бўлганлар ҳар хил йўллар билан рағбатлантирилаётган бўлса-да, бутун дунёда бўлгани каби юртимизда, айниқса ёшлар электрон қурилмаларга чалғиб, мутолаа қилишдан узилиб қолди, адабиётдан узоқлашиб кетди.

«Ҳозирги дунёда адабиёт мураккаб шароитга тушиб қолган. Фавқулодда кераксиз буюмга айлангандек, зеро, қизиқишлар ҳам, ҳис-ҳаяжонлар ҳам олдингидай эмас, бўлакча. Бурунги китобхонларимизнинг ўй-хаёллари энди бошқа нарсалар билан банд. Бугунги китобхонлар эса асл мутолаанинг завқ-шавқидан, афтидан, беҳабар. Шундан келиб чиқиб энди нима қилиш лозимлигини биргалашиб ўйлаб кўришимиз керак». XXI аср бошларида таниқли ёзувчи Чингиз Айтматов томонидан тилга олинган бу муаммоли ҳолатларга ҳали ҳамон ечим топилмаган. Аксинча, вазият мураккаблашиб бормоқда.

Демак, адабиётни унутиш у ёқда турсин, биров эътиборсиз қолдириб ҳам бўлмайди. Одамларни китоб ўқишга жалб этишдек долзарб муаммолар билан эса биргаликда курашиш даркор.

Жумладан, қўлига китоб ушлаганига анча вақт бўлган, адиб-шоирларимизни танимайдиган ёшларимизга, аввало, уларнинг ота-оналари ибрат бўлиши, фарзандлари билан биргаликда китоб дўконларига, кутубхоналарга кириб туриши, уйда китоб жавони учун жой ажратишлари керак.

Шу тариқа қарабсизки, катталарга тақлид қилиб, буюк ёзувчи, шоирларнинг асарларни ўқиган ёш йигит-қизларимиз ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиб кўришади, қувончли ва ташвишли кунларда ўзларини қандай тутишни ўрганишади. Роман, қисса, ҳикоялардаги воқеалардан тегишли хулосаларни чиқариб, оилани, халқни, юртни қадрлашни, асраб-

авайлашни ўрганишади, миллий қаҳрамонларни таниб олишади

Хулоса ўрнида таниқли қозоқ журналисти Муҳаммаджон Сералиннинг адабиёт ҳақида айтган қуйидаги иқтибосини келтириб ўтишни мақсадга мувофиқ деб топдик: «Тил ва адабиёт халқнинг қалби ва руҳидир... адабиётсиз халқ забонсиз боладай гап. Бундай бола бошқаларга ўзининг дарду қувончларини гапириб беролмайди. Халқларни бир-бирига яқинлаштирадиган энг кучли восита тил ва адабиётдир. Ўз адабиётининг ҳақиқий қадр-қимматини билган халқларнинг фарзандларигина ўз тилини чинакам ардоқлай олади».

«Ҳилол» журналининг 6(75) сони

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2025 йил 24 декабрдаги 03-07/8262-сонли хулосаси асосида тайёрланди.